



АДВОКАТУРА МАҚОМИ ВА БУГУНГИ КУНДАГИ ҲОЛАТИ

Рахимов Камолиддин Мухамаджонович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Маъмурий ҳуқуқ

кафедраси доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20609635>

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтининг ҳуқуқий мақоми ва ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган. Хусусан, сўнгги йилларда адвокатларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, соҳага ёш кадрларни жалб этиш ва рақамлаштириш жараёнлари ёритилган. Шунингдек, жиноят процессида ҳимоя тизимини такомиллаштириш ва фуқароларга кўрсатилаётган юридик ёрдам сифатини ошириш масалаларига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: адвокатура, адвокат, ҳуқуқий мақом, суд-ҳуқуқ ислохотлари, рақамлаштириш, юридик ёрдам, мустақиллик.

Аннотация: В статье анализируется правовой статус и тенденции развития института адвокатуры в Республике Узбекистан. В частности, освещаются недавние усилия по укреплению независимости адвокатов, привлечению молодых специалистов в эту сферу и внедрению процессов цифровизации. Также уделяется внимание совершенствованию системы защиты в уголовном процессе и повышению качества юридической помощи, оказываемой гражданам.

Ключевые слова: адвокатура, адвокат, правовой статус, судебнo-правовые реформы, цифровизация, юридическая помощь, независимость.

Abstract: The article analyzes the legal status and development trends of the advocacy institute in the Republic of Uzbekistan. In particular, it highlights the recent efforts to strengthen the independence of lawyers, attract young professionals

Contact: 99 826 99 56



to the field, and implement digitalization processes. Attention is also paid to improving the defense system in criminal proceedings and enhancing the quality of legal assistance provided to citizens.

Keywords: advocacy, lawyer, legal status, judicial and legal reforms, digitalization, legal aid, independence.

Янги Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ тизимида инсон қадрини таъминлаш ва одил судловга эришишнинг муҳим шарти сифатида адвокатура институтини тубдан ислоҳ қилиш долзарб вазифага айланди. Мамлакат Конституциясида адвокатурага алоҳида боб ажратилиши унинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини юксалтирди.

Мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадриятдир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев юритаётган сиёсат марказида инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсади мужассам. Сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, аввало, жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлашга, шунингдек, инсон шаъни ва кадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка қаратилган кенг кўламли ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” китобида таъкидланганидек, “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси мустақил адвокатура фаолиятини самарали ташкил этишни назарда тутади. Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш бугунги куннинг долзарб вазифасидир”.¹

¹ <http://insonhuquqlari.uz/uz/news/m9185>





Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 141-моддасида Республикада истиқомат қилаётган ҳар бир шахснинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланган. Юридик ва жисмоний шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатура фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилган. Адвокатура фуқаролик жамиятининг асосий ва муҳим институтларидан бири бўлиб, унинг зиммасига юридик ва жисмоний шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ Конституциявий вазифа юклатилган. Шу боис ҳам Республикамиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ суд-ҳуқуқ тизимининг ажралмас бўғини ҳисобланган адвокатура институтини ислоҳ қилиш, демократик принципларга асосланган кучли, мустақил адвокатура тизимини барпо этишга алоҳида ва доимий эътибор қаратиб келинди.

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида рўй бераётган муҳим ўзгаришлар, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий-маданий, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар Адвокатура тизимини ҳам замон билан ҳамоҳанг тарзда ривожлантириш, қонунчилик ҳуқуқий базасини такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда. Адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва қонуности актларининг амалиётда қўлланилиши жараёнида пайдо бўлаётган айрим муаммолар, қонун ҳужжатларидаги, хусусан “Адвокатура тўғрисида” ва “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонунларда бир-бирини такрорловчи ёки декларатив характердаги нормаларнинг мавжудлиги, шунингдек тараққиётнинг ҳозирги босқичида рўй бераётган ўзгаришлар, республикада барча соҳаларни халқаро ҳамжамият билан интеграллашуви ва либераллашуви, ижтимоий жараёнларнинг чуқурлашуви ҳам Ўзбекистонда





адвокатура тизимини ислоҳ қилиш, соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.²

Хусусан, юқорида кўрсатиб ўтилган иккита қонун ва бошқа қонуности ҳужжатларини бирлаштириб, ягона «Адвокатура кодекси»ни яратиш келгусида соҳадаги қонунчилик ҳужжатларини бирлаштириб, ишлаш ва фойдаланишга қулайлаштириш ва юридик хусусияти бўйича устиворлигини оширишга хизмат қилади.

Ҳуқуқшунос ва олимларнинг фикрича, Янги Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда мустақил ҳимоя институтисиз одил судловга эришиб бўлмайди. Атоқли адвокат Алан Дершовицнинг таъкидлашича: *"Адвокатнинг вазифаси мижознинг айбсизлигини исботлаш эмас, балки тергов ва суд жараёнида қонун устуворлигини ҳамда инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир"*.

Ўзбекистон Республикаси “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасига асосан, адвокатнинг мустақиллиги:

унга қонунда белгиланган тартибда адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун ижозат бериш, бу фаолиятни тўхтатиб туриш ва тугатиш;

адвокатнинг дахлсизлиги;

адвокатлик сирини ошкор этишни талаб қилишни ман этиш;

адвокат олиб бораётган ишларга аралашганлик ёхуд адвокатнинг дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик;

давлат томонидан унга адвокатлик фаолияти кафолатлари берилиши

²² <https://sudacademy.uz/uploads/literature/f44d6643ceb6ee831016bc5324b73471.pdf>





ҳамда ижтимоий ҳимояланиши орқали таъминланади.

Адвокатуранинг ўзини ўзи бошқариш деганда Ўзбекистонда хусусий адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи адвокатлар ўз фаолиятини нодавлат касбий бирлашма орқали бошқариши, уларнинг бошқарувига оид масалаларга давлатнинг аралашувига йўл қўйилмаслиги тушунилади.

Бугунги кунда Адвокатлар палатаси ўзининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузиладиган ҳудудий бошқармалари билан биргаликда адвокатуранинг ягона ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этади.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 142-моддасига асосан, адвокат ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

Адвокатга ўз ҳимоясидаги шахс билан тўсиқларсиз ва холи учрашиш, маслаҳатлар бериш учун шарт-шароитлар таъминланади.

Адвокат, унинг шаъни, қадр-қиммати ва касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлади ва қонун билан муҳофаза қилинади.

Адвокатнинг касбий фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслиги конституциявий даражада мустаҳкамланиши кучли адвокатура тизимини яратишнинг асосий омили бўлиб хизмат қилади. Ушбу қоида “ҳеч бир идора адвокатларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги шарт” деган ғоянинг конституциявий ифодасидир. Ушбу норма суд процессида адвокат прокурор билан тенгма-тенг мунозарага киришишини таъминлайди, иш бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этиш фаолиятига аралашмаслик натижасида адвокатуранинг ҳуқуқий ҳолати мустаҳкамланади.

Адвокатлик фаолиятидаги эркинлик ва ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиш, нафақат адвокатнинг ишини енгиллаштиради, балки адвокат ҳимоя





қилаётган шахснинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини янада таъминлайди.³

Генри Резникнинг: *"Адвокат — бу давлат ва шахс ўртасидаги тўқнашувда инсонни ҳимоя қилувчи охирги қалқондир"* деган фикрини нақадар ҳаққоний айтилганлигини давлат ва шахс ўртасида туриб судлашган ва тортишган шахсина тўлиқ, бутун борлигича ҳис этади. Олимнинг ушбу фикрини қўллаб қувватлаган ҳолда, ушбу “кўприк”нинг фаолияти самарадорлигини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бир хил, тенг имкониятларига эга бўлишини таъминлаш билан эришилишини назардан четда қолдирмаслик керак. Бундан ташқари, худди шундай иш зиммасида турган адвокатларнинг сони жамият манфаатларини давлат билан тўқнашувдаги ҳимоялашнинг даражасини кўрсатувчи мезон ҳамдир.

Дунё ва Ўзбекистон адвокатлари ўртасида ягона фарқ бу – уларнинг сонида, яъни, неча кишига 1 та адвокат тўғри келишида. Қолган барча жиҳатларда Ўзбекистон адвокатлари ҳам илғор ҳисобланади.

Конституциямиздаги битта боб (XXIV боб)нинг айнан “Адвокатура” деб номлангани мамлакатда инсон ҳуқуқларининг муқаддаслиги ва малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқининг конституциявий ҳуқуқ этиб белгиланганлигидан далилат.

Мамлакатимизнинг 38,0 млн аҳолиси учун 7 594 нафар адвокат юридик ёрдам кўрсатиб келмоқда. Бу эса ҳар 5 003 кишига 1 та адвокат тўғри келиши билдиради. Лекин, шу 7 594 нафарнинг барчаси ҳам адвокатлик фаолияти билан шуғулланмоқда дегани эмас. Чунки, бунга объектив ва субъектив омиллар сабаб бўлмоқда.

Масалан:

- бугун ўқишни битирган талаба ёки нодавлат ташкилотнинг

³ <https://xs.uz/uzkr/post/yangi-tahridagi-konstitutsiyada-advokaturaning-orni>





хуқуқшуноси (хатто у 10 йил юрист бўлиб ишлаган бўлса ҳам) адвокатлик лицензиясини олиш учун 3 ой стажировка ўташи керак. Аслида, стажировка қандай ўташини кўпчилик билса ҳам керак.

- малака имтихонини топшира олмаган талабгор 6 ойдан кейин қайта имтихонга қўйилади. Бу муддат ҳам бугунги кундан келиб чиқиладиган бўлса кўп ҳисобланади.

- далил тўплашда тўсиқлар мавжудлиги ва солиқ ставкалари юқорилиги учун талабгорлар бу соҳани танлашни хошлашмайди.

Мисол учун:

Исроилда 1 та адвокатга 127 киши (9,7 млн аҳолига 64 600 та адвокат);

Италияда 1 та адвокатга 254 киши (60,0 млн аҳолига 236 600 та адвокат);

АҚШда 1 та адвокатга 258 киши (342,0 млн аҳолига 1 322 649 та адвокат);

Англияда 1 та адвокатга 445 киши (67,0 млн аҳолига 151 000 та адвокат);

Россияда 1 та адвокатга 581 киши (144,0 млн аҳолига 247 680 та адвокат);

Ҳиндистонда 1 та адвокатга 1 108 киши (1 441,0 млн аҳолига 1 307 650 та адвокат);

Қозоғистонда 1 та адвокатга 3 800 киши (19,0 млн аҳолига 5 000 та адвокат);

Ўзбекистонда 1 та адвокатга 5 003 киши (38,0 млн аҳолига 7 594 та адвокат);

Афғонистонда 1 та адвокатга 105 000 киши (38,0 млн аҳолига 360 та адвокат) тўғри келади.

Юқоридаги кўрсаткичлардан маълумки, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳимоячилар сони халқаро меъёрлардан паст. Бу эса чекка ҳудудларда аҳолининг малакали юридик хизматлардан фойдаланиш имкониятини чеклайди. Бу эса инсон ҳуқуқ ва





манфаатларини, қонун устиворлигини таъминлашда давлат органлари билан шахс манфаатлари кесишганда адвокатлар иштирокининг таъминланмай қолишига олиб келади.

Адвокатура соҳасини янада ислоҳ этиш ҳамда уларга имтиёз ва преференциялар зарур. Масалан, далил тўплашда зарур маълумотларни олиш учун ваколатли ташкилотларнинг маълумотлар базаси билан электрон интеграцияни йўлга қўйиш; жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ставкасини камайтириш; адвокатнинг профессионал фаолияти билан шуғулланишига тўсқинлик қилганлик учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилаш ва бошқалар.

REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2023.
2. “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 48-модда).
3. “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 10-сон, 217-модда).
4. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021.





5. Адвокатура институтининг ҳуқуқий асослари: ислохотлар ва истикболлар. [Электрон манба]: <http://insonhuquqlari.uz/uz/news/m9185> (мурожаат санаси: 09.06.2026).
6. Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимида адвокатуранинг ўрни. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби илмий тўплами. [Электрон манба]: <https://sudacademy.uz/uploads/literature/f44d6643ceb6ee831016bc5324b73471.pdf> (мурожаат санаси: 09.06.2026).
7. Янги таҳрирдаги Конституцияда адвокатуранинг ўрни. [Электрон манба]: <https://xs.uz/uzkr/post/yangi-tahrirdagi-konstitutsiyada-advokaturaning-orni> (мурожаат санаси: 09.06.2026).
8. Дершовиц А. Адвокатлар ва одил судлов. – М.: Юридическая литература, 2018.
9. Резник Г.М. Адвокатура: профессия и призвание. – М.: Статут, 2020.

